

Моҳигул Ўктам қизи

*Қалбим  
шабнами*

*Шеърлар*

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон  
Миллий кутубхонаси нашриёти  
Тошкент — 2008

84(5Ў)6

M79


Азиз ва меҳрибон дадажоним  
Ўқтам Назар ўғлининг ёрқин хотирасига  
бағишлайман  
Муаллиф

Ю 34587  
021

Моҳигул Ўқтам қизи,  
Қалбим шабнами: Шеърлар/  
Моҳигул Ўқтам қизи. — Тошкент:  
Алишер Навоий номидаги  
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси  
нашриёти, 2008. — 48 б.

Иқтидорли шоира Моҳигул Ўқтам қизининг ушбу шеърлар тўпламида унинг сўнгги йилларда ҳаёт қувончу иштироблари, муҳаббат ва соғинч ҳамда ҳижрон азоблари мавзусида ёзган шеърлари жамланган.

Умид қиламизки, қалб тугўни билан битилган бу шеърлар адабиёт ихлосмандлари қалбидан муносиб жой олади.



ББК84(5Ў)6

ISBN 978-9943-06-147-7

©. Моҳигул Ўқтам қизи,  
© Алишер Навоий номидаги  
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси  
нашриёти, 2008 йил.

## РАНГЛАР ВА ОҲАНГЛАР

Бухоролик истеъдодли шоираларимиз Нодира Афоқова, Ибодат Ражабовалар каби Моҳигул Ҳқтам қизининг номи ҳам ўқувчиларга таниш. Унинг шеърлари матбуотда кўриниб туради. Китоблари чоп этилган.

Моҳигул «шунчаки ёзиш учун» шеър ёзмайди. Ҳаёт ўзи келтирган ички бир эҳтиёж сўзга айланади. Шоиранинг ёзганлари самимий ва бир оз маҳзун.

Яна:

*Елкадан тушади қишки кийимдек,  
Кўнгални тарк этиб минг йиллик ғамлар*

дегандек, у баъзан аниқ ҳолатни умумий ҳолатга айлантиради. Баъзан аксинча, умумий ҳолат аниқлик касб этади:

*Ҳузурингга яна келаман,  
Армонларнинг кўйлаги ямоқ.*

Шоира тилда, ифода шаклида Бухоро нафасини муҳрлаган. Бу нафасни янада кенгроқ олиб кириш керак. Шунда янги китобда бўлган турфа ранг ва оҳанглар янада яққол кўзга ташланади.

Бухорода буюк авлиёлар, олимлар, фозиллар қатори забардаст шоирлар кўп ўтган. Ҳозир ҳам катта бир саф қалам тебратади. Афсуски, бу муқаддас заминда момо-шоиралар камроқ учраган. Борлари ҳам ора-ора оёқ остига тўшалган жаҳолат гирдобида ўралиб, ном-нишонсиз кетганлар.

Шу боисдан, бу ердаги шоиралар ҳар бири мен учун қадрли. Уларни аёзда титраниб турган гулларга ўхшатаман. Биз маърифатли, маданиятли халқ эканмиз, уларга айрича эътибор билан қарашни ўрганишга мажбурмиз.

Моҳигул ва унинг янги шеърлар китобига бахт-омад тилайман.

**ОМОН МУХТОР**

адиб, Ўзбекистон Республикаси  
санъат арбоби

## ШЕЪР ЎҚИБ БЕРАЙ

Келинг, Сизга шеър ўқиб берай,  
Оҳангларим бўлса-да маъюс.  
Қалбингиздан аразни терай,  
Маҳзунликдан бураверманг юз.

Хушомадни билмасман, кутманг,  
Алдовлардан бўлганман безор.  
Менда бари, табиий, унутманг,  
Юрагимда минг йиллик озор.

Узр, рости меҳр тиладим,  
Кўзларингиз бефарқ боққан чоғ.  
Сочларимга довур музладим,  
Битта сўздан қолди ўша доғ.

Фақатгина шеърлар ўқийман,  
Фақат шунга этади кучим.  
Номингиздан эртақ тўқийман,  
Йиғламоққа ортганда ўчим.

Келинг, битта шеър ўқиб берай.

## МАНЗАРА

Гумбазларга қўшилиб ёнар,  
Куёшнинг пок, эрка нурлари.  
Дарахтларнинг сочидан тортар  
Шамол - кузнинг титроқ қўллари.

Шабнамларда ювган юзини -  
Ҳар чечакда кўрдим бир оро.  
Кўз-кўз қилиб бутун ҳуснини  
Сатрларда кулди Бухоро.

## ДАРДЛАРИМ — КЎЗИМГА ЧЎККАН КЕМАЛАР

*«Кўзни юмгил, кўзга айлансин кўнгил»*  
Жалолиддин Румий

Саволинг бағримни ўртади ёмон,  
“Кўзларинг нимага бу қадар сўлғин?”  
Яна вужудимга бўйлади армон,  
Юракка ботириб занглаган тиғин.

Сўнгсиз изтиробим қандай англай,  
Сенга дардларимни сўзлаёлмасам.  
Ўтли нигоҳларинг қандай алдатай.  
Дилдан нелар ўтди, ҳеч айтолмасам.

Бағримда юз йиллик афсусларимни,  
Ҳеч кимга кўрсатмай юрибман ахир.  
Кўнгил қутисида гул сўзларимни,  
Залворин кўзимда кўтармоқ оғир.

Тақдирим — топишмоқ, эртам-чи жумбоқ,  
Дардсиз бир кесакка боғланган умрим.  
Орзулар қаноти кесилган тўмтоқ,  
Қушдай ночорлигин минг бора кўрдим.

Ғамнинг оловида ёнди кўзларим,  
Чақноқ чўғларига сув сепди алам.  
Ёлғон табассумга шерик сўзларим,  
Бағрида пинҳондир ҳар чеккан нолам.

Нималар дедим-у, қолди нималар,  
Ғамларим меники, армон меники.  
Дардларим — кўзимга чўккан кемалар,  
Аламлар тўкилган ёлғон меники...

\* \* \*

Яна сени соғиндим... Кўнгил  
Фақат сенинг суҳбатинг истар.  
Ҳеч нарсага боқмай телба дил  
Орзулардан тикибди бистар.

Қалбда соғинч истайди йўргак,  
Ва эркалаб қўлга олишни.  
Йиғлар меҳрим - кичкина гўдак  
Истаб ёнгинангда қолишни.

Сени жуда соғиндим, билгин,  
Лабларимда титрайди иқрор.  
Кўтаролмай ҳижронинг юкин,  
Кўзларимда йиғлайди дийдор.

Сени кўрсам, кўрсам, кўрсам бас,  
Шунда ҳижрон чекинар ортга.  
Сен ҳақингда хаёл сурсам бас,  
Номинг бошлар орзули юртга.  
Яна сени соғиндим...

\* \* \*

Изгироблар оловида  
Бор туйғулар кул бўлди.  
Энди мени излама, қўй,  
Юрак қайғуга тўлди.

Қадрим билмай хор айладинг,  
Илоҳо, бор бўлгин, ёр!  
Бир бора кўнгил сўрмадинг,  
Изларимга бўлгин зор!

Майли кечдим, неки бўлса,  
Ўз-ўзинга ҳавола.  
Дардинг энди дилни юлса,  
Кўзимда чекдим нола...

Охирги сўз: Қўй ҳолимга,  
Энди бўлдик биз жудо.  
Раҳминг келсин дилимга,  
Хайр эмас... Алвидо!

\* \* \*

Яна куз... Эсади совуқ шамоллар,  
Юракка тўлади заъфар бир туйғу.  
Хазондек тўзғийди бебош хаёллар,  
Баҳор, ёз ўтгани... Сокин бир қайғу...

Умрнинг шошилинич бекатларида  
Бир ором топмайди девона юрак,  
Умиднинг бу маҳзун эртақларига  
Ишонган кўнгилга ғамлар не керак?

О, кузни севаман, нетай, у келди,  
Гўё тиниқади унда хаёллар.  
Ўйларим япроқдек ерга тўкилди,  
Ерга ҳўп босилди, ўша саволлар.

Яна куз... Эсади совуқ шамоллар...

## ЛАБИ ҲОВУЗДА

*«Лаби Ҳовуз, Лаби Ҳовуз, жон Лаби Ҳовуз,  
Киприкларинг бўлоин ва қабоғинга кўз»*  
Тошпўлат Аҳмад

Гоҳ ўй суриб қолгум соатлаб,  
Қадрдоним Лаби Ҳовузда.  
Кетолмасман ундан узоқлаб,  
Менинг жоним Лаби Ҳовузда.

Лаби Ҳовуз, харсанг тошларинг  
Асрларнинг чангига ўхшар.  
Гоҳ лойқа, гоҳ тиниқ сувларинг  
Юрагимнинг рангига ўхшар.

Лаби Ҳовуз, соҳилларингда  
Болалигим чопқиллаб юрар.  
Тўлқинларинг — кокилларингда  
Армонларми қон йиғлаб турар.

Лаби Ҳовуз, о, қадим маскан,  
Қучоғингда мангу қолсайдим.  
Ҳар тонг гиштин супаларингни  
Сочим билан супуролсайдим.

Гоҳ ўй суриб қолгум соатлаб,  
Қадрдоним — Лаби Ҳовузда.  
Кетолмасман ундан узоқлаб,  
Менинг жоним Лаби Ҳовузда.



## ДАДАМНИ СОҒИНИБ

Дада, соғинч — юракдаги муз,  
Эримайди қуёш кўрса ҳам.  
Дийдорингиз энди фақат туш,  
Вужудимда оғир санг, бу — ғам.

Хотиралар чарчатар мени,  
Бўғиламан, туйғулар нотинч.  
Ахир Сизни соғинган оним  
Хаёлларнинг барчаси хомуш.

Умидларим сариқ кўйлақда,  
Маъюсгина тикилар яна.  
Қайғу ётар, кўз — беланчақда,  
Азоб унга меҳрибон она.

Дадажоним, ростлик юртидан  
Қайтолмайсиз, биламан буни.  
Югураман орзу ортидан,  
Худди жажжи қизча сингари.

Соғинганча нигоҳингизни,  
Хотиротга бўламан банди.  
Биласиз-ку, сиз Моҳингизни,  
У азалдан ғамга асранди...

## ОНАМГА

Онажон, бардошим довонларида  
Сенинг умидларинг танҳо яшайди.  
Ўтмишнинг оловли ёбонларида  
Хиёнат либосин ўтга ташлайди.

Пойингга чўкурман. Улуғ саждагоҳ,  
Орзулар олдида қилиб тавалло.  
Ниятинг бағридан топарман паноҳ,  
Пойингда алдовлар ўлғуси илло.

Гоҳ тинчинг ўғирлаб кетар хавотир,  
Ҳадиклар бағрингни айласа макон.  
Онажон, ташвишни йўқотгин, йитир,  
Бахтли кунларимга ишон, онажон!

Қайтарман бағрингга битта гул бўлиб,  
Соғинчнинг сувратин чизган заҳотим.  
Кўзингда қувончнинг ранглари кулиб,  
Пешвоз чиқ, эй менинг сўнгсиз нажотим!..

## БАҲОР НАВОЛАРИ

Елкадан тушади қишки кийимдек,  
Кўнгилни тарк этиб минг йиллик ғамлар.  
Сенинг ташрифингдан яна суюндик,  
Баҳорим, муборак яшил қадамлар!

Сурурми, ғурурми недандир тўлиб,  
Тириклик сирига талпинар юрак.  
Бизни соғинтирган севинчлар кулиб,  
Нурли ҳаяжонлар баридан зўр-а?!

Неларнидир ёдга салади хаёл,  
Дилга ошно бўлар сирли бир ҳислар,  
Мен ўша... баҳорни бой берган аёл,  
Армонли умримдан юрибман излаб.

Баҳорим, сен фақат менинг билан қол,  
Берган шодликларинг қанчалар лазиз.  
Ситаму ғамларни яна ўзинг ол,  
Менга ҳадя қилгин яшаш номли ҳис...

\* \* \*

Сизни банди айлагим келар  
Сочларимнинг толаларига.  
Рангин-рангин қайғулар кулар  
Қўшилиб дил ноаларига.

Алпомишим, кафтларингизда  
Меҳримнинг оқ қушлари қолди.  
Дилга берган тафтларингиздан  
Таскин берар тушларим қолди.

Сиз қайдасиз, олис-олиснинг  
Мен ишонмас эртагидами?  
Орзулари панд берган қизнинг  
Баҳор кутган куртагидами?

Сиз менимас, ғамни кўтаринг,  
Залворидан эзилдим беҳад.  
Не кашф этдим — дилдаги сирим,  
Хаёлларим билмайди сарҳад.

Билмам, менга бўларми насиб,  
Кўзларингиз яширган дунё.  
Борлигингиз бахтга муносиб,  
Борлигингиз тириклик гўё.

## БУХОРОНИ ТАРК ЭТДИ ШОИР

*«Қадим Бухоромни этмагумдир тарк»*  
Зикрилла Неймат

Бухорони тарк этмагум, деб,  
Лекин уни тарк этди шоир.  
Минораю Калонга боқиб,  
Кўзин ёшга ғарқ этди шоир.

Бир аёвсиз тақдир шамоли  
Олиб кетди уни Шош сари.  
Мажнунтолу чинорлар қолди,  
Эгилганча маъюс бошлари.

Бухорони тарк этди шоир,  
Тарк этгандек уни лайлақлар.  
Изтиробда қолдилар оғир,  
Ундан меҳр кўрган юраклар.

Ўжар ўғлин қайтишин кутиб,  
Қадим шаҳар тунлар юммас кўз.  
Кетди тилдан тилларга кўчиб,  
Соғинч ҳақда шоир битган Сўз.

Бир дарбадар ўғлин соғинчи  
Оқартирди минорлар сочин.  
Ва ҳар сафар келса, «Болам!»-деб  
Чопиб чиқди очиб кулочин.

Бухорони тарк этди шоир,  
Шеърларига излаб зеб, оро.  
Кўзин ёшга ғарқ этди шоир,  
Тарк этмади уни Бухоро!

\* \* \*

Кўнгил қолди сиздан... Оҳ кўнгил қолди,  
Бу заррин туйғулар қайга йўқолди?  
Умрим йўлларида бир савол қолди,  
Бизга не бўлди?

Нетайким, сарсондир икки қора кўз,  
Дилларни куйдирди, бир калом, бир сўз,  
Наҳотки, бахт биздан буриб кетди юз,  
Бизга не бўлди?

Симиллар вужудга югуриб бир дард,  
Энг нозик ҳисларга қўнибдими гард?  
Охир адо қилди телба муҳаббат,  
Бизга не бўлди?

Кўнгил қолди сиздан. Майли, кечиринг,  
Тақдир дафтаридан номим ўчиринг,  
Ҳаётингиз қасрин янгидан қуринг,  
Не бўлса-бўлди...

\* \* \*

Юракни тилкалар бераҳм кунлар,  
Хаёлий сиймони чизади мунглар,  
Азобинг нимага кўзимда тунар,  
Баридан келар кечгим...

Ҳеч кимса тушунмай қолар дардимни,  
Шу кўйга, наҳотки, тушиб қолдим мен?  
Шубҳаларинг эзар нечун қалбингни?  
Қайгадир келар кетгим...

Бошпана излаган муҳаббат ғариб,  
Илинжим ранглари нимадан сариқ?  
Топмадим дунёдан сени ахтариб,  
Таскинингни келар ютгим...

\* \* \*

Йиғлайман, ўкинчлар дилни чулғайди,  
Мен сени ўйлайман тун бағрида жим.  
Сабримни айрилиқ яна ўлчайди,  
Кўзларингни қўмсаб, зирқирар кўзим.

Шу онда чорлайди бирдан телефон,  
Дастакда жаранглар овозинг, наҳот.  
Юракда нимадир кўтарар тўфон,  
Лекин нимагадир сўзларинг қаҳат.

Сен кимсан? Ўзганинг паноҳисан-да,  
Менга-чи, бир умр бегонадирсан.  
Билиб-билмай қилган гуноҳимсан-да,  
Аmmo... Ҳаётимда ягонадирсан.

Айт ўзинг, не қилай унутмоқ учун,  
Кўнглимни ўзгага бермоқ мумкинми?  
Битта нигоҳингга етмайди кучим,  
Сенсиз кунларимда азоб тўкинми?

Йиғлайман... Берк кўча... Охири йўқдир,  
Саволлар қалбимни қовурар яна.  
Изтироб... Умримни қайғуга чўқтир,  
Фақат юрагимга қилмагин таъна...

\* \* \*

Истаган эдимми мен ҳам шунчалар,  
Бахт мен учун буткул бўлди бегона.  
Оҳимни тинглаб-ла йиғлар кечалар,  
Кўй, энди таскинни бермагин, она!

Мен-да умид билан кўз очган эдим,  
Хоҳламас эдим-ку айрилиқни ҳеч.

Кундан-кун боримни пушаймон еди,  
Номус пичирлайди: Кўй баридан кеч!

Энди-чи, эрмакдир ҳамма-ҳаммага  
Менинг армонларга кўмилган номим.  
Юракни боғлаб-да гийбат, таънага,  
Аста ўртанади бечора жоним.

Лек кучим етмайди «Бас!» демоқликка,  
Гарчанд барчасидан тўйдим, о, етар!  
Вужуд ҳам чарчади жим кўнмоқликдан,  
Фақат ўтмишимга ташлайман назар.

Сўнгсиз гийбатлардан бездим адоқсиз,  
Онажон, кел мени бир бағрингга бос!  
Фанимлар, майлига, ҳозирча ҳақсиз,  
Кўнглим, кел, ғамларни кўзларимга ос!

Безидим, онажон! Таскинни кўйгин,  
Бахт қуши бари бир кетади ташлаб.  
Бу дарднинг селида хор вужуд, куйгин,  
Кейин эрта кундан бўлгин ғамталаб.

\* \* \*

Бахтнинг этаклари кўлимда қолди,  
Ўзи учиб кетди олис-олисга.  
Митти илинжим ҳам қайга йўқолди,  
Мени ташлаб яна қадрдон кузга.

Мен бўлсам. Рўёдек кезинаман жим,  
Кўлимда оқ-оппоқ этаклар ёнар.  
Паришон сочларим излайди тўзим,  
Дил-чи, сиқилишга тахт турган анор.

Илтижо қиламан бахт ортидан гоҳ,  
Бир кун қайтишига бўлиб умидвор.

Мен кутиб чарчадим. Гар билсайдинг,оҳ,  
Умидлар толиқди бўлавериб хор.

Номингни боғладим бахт этагига,  
Кейин-чи, учирдим ортингдан аста.  
Ишониб орзунинг бу эртагига  
Сўзлар юрагимдан тугди гулдаста...

\* \* \*

Олис йўллар мендан бахтиёр,  
Ҳис қилади нафасларингни.  
Айт-чи, бизда қандай қисмат бор?  
Синдир кўнгил қафасларини.

Ишқ эдими, ҳавас эдими,  
Дил тўрига кўмилган исён?  
Бизга Оллоҳ раҳм қилдими?  
Дилгир ҳислар кўтарар тўзон.

Бари хато... Гуноҳ... Биладан,  
Орзуларим ўзимга тузоқ.  
Ҳузурингга яна келаман,  
Армонларнинг кўйлаги ямоқ.

Хаёлларим ўзича озод,  
Ўпаверар толмай изингни.  
Кўз ёшларим солади фарёд,  
Яна кўргим келса ўзингни.

\* \* \*

Борлиқни ютганда аянч сукунат,  
Ҳижронни алда-ю, бардошни юпат,  
Кўзимда тунларни яширин тунат,  
Кутганим бекор...



Соғинчни имлайди рўмолчам намли,  
Синган нигоҳимда кўзларинг ғамли,  
Кунимни ичасан, изтироб таъмли,  
Йиғлайман такрор...

Алдамчи тонглардан бунчалар безма,  
Биламан... Тунларинг алдамчи, эзма,  
Алам, мунчоқларинг кўз ёшдан тизма,  
Исёнларим бор...

\* \* \*

*«Кулган чоғим йиғлатар бехос,  
Хотиралар қайта очиб юз»*


Самандар Воҳидов

Хазон босган йўлаклар жим-жит,  
Ютаверар қадам зарбини.  
Дарахтларга майли, сўзлаб ўт,  
Телба дилнинг кўҳна дардини.

Япроқларга шеър битгин бир-бир,  
Заъфар рангда ёзиб исмингни.  
Кўзларингнинг шайдоси ёмғир  
Ҳасратлардан ювсин жисмингни.

Ёлғизликни кўмсайди кўнги,  
Йўлакларда ўтган кун акси.  
Чорлайверар бир нурли манзил,  
Юрагингда ўкинчининг нақши.

Хазон босган йўлаклар чорлар,  
Руҳинг тушгач унга асира.  
Туйғуларни қайтмаслик хорлар,  
Тинч қўймайди энди хотира.



## ШЕЪРИЯТГА

Хайрият борсан-эй, она шеърият,  
Дилим яйраб кетар майдонларинг бор.  
Сўзларим истаса агар хуррият,  
Қоғозга тўкилар армонларинг бор.

Хайрият борсан-эй, она шеърият,  
Қувончу мунг босган осмонларинг бор.  
Эгизак бўлганда севги-ю нафрат,  
Тоқатим кўзида гирёнларинг бор.

Хайрият борсан-эй, она шеърият,  
Рухимни поклаган дарёларинг бор.  
Қалбимга бағишлаб туганмас қувват,  
Умидларга тўла дунёларинг бор.

Мангу бор бўлгил, эй она шеърият!

\* \* \*

Совуқ эди қишнинг бу туни,  
Сенинг нохуш сўзларинг каби.  
Ўртанади бечора кўнглим,  
Бир илиқ сўз эди талаби.

Қалбда пушмон тоғ бўлиб ўсар,  
Тушунмайсан ўтинчим бироқ.  
Қорачиғим кўз ёши ўпар,  
Вужудимда аламли титроқ.

Кетди мендан бахт номли туйғу,  
Мен-ку сендан олгандим қарзга.  
Бу тун кўзга қўнмайди уйқу,  
Куним қолар армон-нокасга.

Тун-ку ўтар... Ёлгон марҳамат  
Юрагимни олади ўйиб.  
Неки бердим, шу бўлди раҳмат,  
Қийналаман армонда куйиб.

## ОДДИЙ АЁЛМАН

Ахир мен ҳам оддий аёлман,  
Кўтаролмам бунчалар ғамни.  
Қисматингда сўнгсиз саволман,  
Бардошимга тўкма ситамни.

Кўнгил, кўнгил... Чарчадим жуда,  
Кўп бажариб унинг майлини.  
Ғамқашқирлар қувлаган юртда,  
Юрагинга кирсам майлими?!

Бекит мени ҳамма-ҳаммадан,  
Ғийбатлардан безиди кўнгил.  
Безор бўлдим миш-миш, таънадан,  
Орзуларнинг олови, сўнгил!

Ташвишни ол қучоқларингда,  
Ахир мен ҳам оддий аёлман.  
Қайғу ёнса ўчоқларингда,  
Ўчирмоқчун чопган шамолман.

Ахир мен ҳам оддий аёлман...

## ТУШУНМАЙСАН

Тушунмайсан ўйларимни ҳеч,  
Тушунмайсан дардимни ҳатто.  
Юрагимга тиф урсам-да кеч,  
Шунча қиммат тушди бир хато.

“Шўр экан-да ўзи бу манглай”,  
Эзгин ўйлар эзади такрор.  
Нима қилай, аламим талай,  
Нима қилай, умидларим хор?

Тушунмайсан қалбим туғенин,  
Сен лоқайдсан барига, нечун?  
Бир кечада минг бора ёндим,  
Кейин. Қалбдан олдим бор ўчим.

Ғижимладим қоғоздай қалбни.  
Сўнгра олдим... Кеча қаърига.  
Йиғлаб барин унутдим, дедим,  
Ва сингидим йўқлик бағрига.

Тушунмайсан бари бир мени...

## СЎЛАЁТГАН ГУЛ.

Хусни малоҳати эди бир жаҳон,  
Кўркига тўймасди ер билан осмон,  
Энди-чи, топгани армондир-армон,  
Сўлаётган гул.. .

Япроқлари — қалби, барглари — лаби,  
Яноғида шабнам кўз ёши каби,

Сўлишни кўтармас эди-ку таъби,  
Сўлаётган гул...

Энди кўзларига дунё қоронғи,  
Отмайин кетди-ку умиднинг тонги,  
Узилган ониди синди жаранги,  
Сўлаётган гул...

\* \* \*

Умрим нима ўзи? Аразми фақат,  
Дилми, ғам тўрига тушган капалак?  
Топмадим дунёдан бир алдамчи бахт,  
Бунчалар ҳолимга кулди бу фалак.

Нимага интилдим, нимани топдим,  
Шодликка алданган парвонами қалб?  
Бугун зор йиғлаган дамни юпатдим,  
Алдадим ўзимни турганча лоқайд.

Хотиржамман дедим, қайғуга боқиб,  
Байрам дедим ҳар бир азобли дамни.  
Кўнглим кўз ёшларда кетса-да оқиб,  
Шунчалар хуш кўрдим яқиним ғамни.

Умрим-чи, ўтмоқда зувиллаб елдай,  
Унинг боғларига бўйламоқда куз.  
Умидлар шамолда соврилган кулдай,  
Қисматим ярамга сепаверар туз.

Умрим нима ўзи? Азобми яккаш,  
Жимитдайин бахтга, наҳот, йўқ ҳаққим?  
Бугун бор ҳисларим армонга талош,  
Мен-чи, кўз ёшимни кўнглимга тақдим...

## ҚОР ЁҚҚАНДА

Қорми ёғаяпти ҳислар устига,  
Не деб шивирлайди оппоқ парчалар?  
Ғамларни босганча яна кўксига,  
Кўнгил кўзларимдан аста мўралар.

Олислаб боряпмиз изимизда қор,  
Кўмади барини, барини сокин.  
Нетайким, ҳислар-у ичимизда қор,  
Армонли лаҳзалар, қайғулар ўкин!

Кетаман. Тунларнинг бағри сендан кенг,  
Оппоқ қор изимни беркитиб қўяр.  
Бугун пушаймонга бўлибмизми тенг,  
Дардларимиз бугун у аста суяр.

Ўтиб кетди бари... Ҳислар қировдек,  
Эриб кетди бари шодлигу севги.  
Ёнимда турибсан. Худди бировдек,  
Кўнглимга яқин деб суёлмам сени.

Алвидо, оҳ, қордек эриган севгим! .

## ШУНЧАЛАР ТОШМИДИ ЮРАГИНГ?

Эсламай тинчгина қандай юрибсан,  
Соғинчинг дилингда қилмасми исён?!  
Қўнғироқ қилмасдан жим ўтирибсан,  
Мени адо қилди хавотир, гумон.

Бир кунда ўн бора йиғлаганим рост,  
Гарчанд барчасининг номи баҳона.

Ўзи йиғламоқлик тақдиримга мос,  
Фақат дил кўрсатмай... Йиғлар пинҳона.

Қандай ўтирибсан, бўлмасдан интиқ,  
Шунчалар чидамли тошми юрагинг?!  
Менга-чи, дунёнинг тўрт ёғи ёпиқ,  
Шунча қаҳат бўлди бир ҳол сўрмагинг.

Майли, юрагингга осгин тошларни,  
Музга айлангириб сўзларни яшир.  
Фақат таъқиқлама. Соғинч ёшлари,  
Дилимда неки бор, кўзимга ташир...

\* \* \*

Ҳаётим жумбоқми, чақилмас ёнғоқ,  
Уни юрагимда яна ёраман.  
Интилиб топганим бўлса-да сароб,  
Ўша манзилларга яна бораман.

Дилим осмонлари ғамдан қоронғу,  
Офтобга интилиб, чопиб толаман.  
Йўлимда топганим бўлса-да қайғу,  
Уни дилсандиққа сеп деб соламан.

Интилган манзилим қайда, билмасдан,  
Битта меҳрибоним излаб қоламан.  
Ўзимга ўзимдай дўст тополмасдан,  
Мавҳумот йўлида йиғлаб қоламан.

Умидларим — сароб, топганим - сароб,  
Ҳаёт, қаҳринг қаттиқ, кўрқиб қоламан.  
Қани у, бир умр мен кутган офтоб,  
Наҳотки, кўролмай ўлиб қоламан.

## НАҲОТКИ КЕЧИҚДИК...?

Наҳотки, кечикдик..? Ўтди бор фурсат,  
Қайғу ва нафратми топдик дунёдан.  
Алдовга юз бурди телба муҳаббат,  
Безидик сохталик, ғамдан, риёдан.

Фақат аламларни бердими ҳаёт,  
Кўнгилнинг топгани гина бўлдими?  
Кимлардан истадик алдамчи нажот,  
Умид кўзгулари чил-чил синдими?

Чаёндай нишини суққанида дўст,  
Садоқат йўлидан нимани топдик?  
Ҳеч қачон тўлмади дунёвий кам-қўст,  
Охири кўзларга тупроқми ёпдик...

Қачон истакларда кўрамиз амал?  
Югурик йўлларда умр тўкилди.  
Ғамнинг қалъасида кўнглимиз қамал,  
Бизнинг битигимиз шундай ўқилди...

## БУҲОРО СОҒИНЧИ

Тор кўча-ю, пастак деворга  
Гўё тарих беркиниб олган.  
Лабиҳовуз зиналарида  
Туйғуларим тўкилиб қолган.

Талпинаман қайда бўлсам ҳам,  
Тавоф қилгум азиз тупроғин.  
Астагина сўзсиз тиклайман  
Юракдаги соғинч байроғин.



Минорадай кўкка бўйлаган —  
Орзуларнинг ранги — дийдор, о!  
Соғинчлари қалбни қуйлатган  
Қадрдоним, қадим Бухоро!

### СИЗДАН КЕТДИМ

Сиздан кетдим, кетдим жимгина,  
Ўзим топиб, ўзим йўқотдим.  
Ғамга дилим тутдим жимгина,  
Сўнг ёлғизлик таъмини тотдим.

Сиздан йироқ, олис ёқларда  
Ўтмишимни эслайман ночор.  
Тақдирнинг бу таёқларига  
Йиғлаб-йиғлаб кўникишим бор.

Ўзим кетдим. Ҳайдамадингиз,  
Не бўлса-да дедим пешонам.  
Ахир мени йўқламадингиз,  
Аламлардан қурдим кошона.

Неки кўрсам, энди, насибам,  
Бу йўлимдан қайтмайман, тамом.  
Бир кун мени еб қўйса алам,  
Туғилади энг гўзал армон...

\* \* \*

Энди кетдим... Энди қайтмайман,  
Дил ўрнида битта тош қолди.  
Кечир... Энди номинг айтмайман,  
Ахир, сени мангу йўқотдим...

Кўтаролмам. Фаминг жуда кўп,  
Шодлигингни топмадим излаб.  
Барчасига чидадим, хўп-хўп,  
Сароб нурли кунларни кўзлаб.

Тақдир экан... Не бўлса, ўтди,  
Айбламайман сени ҳеч қачон.  
Бахтни кутиб, ёшлигим кетди,  
Қалбда қолди қайғу ва армон.

Шунча кутдим. Интизор бўлиб,  
Кўп изладим хушбахт онларни.  
Аммо кечир, энди унутдим,  
Пушмон ёқар ғариб жонларни.

Икки йўлда туриб иккимиз  
Бу синовга берайлик бардош.  
Топганларим бир ўғил, бир қиз,  
Ҳам берганинг — юракдаги тош...

## ФАРЗАНДЛАРИМ — УМРИМ ҚУВОНЧИ

*Ўғлим ЖЎРАБЕККА*

Менинг паҳлавоним, жажжи ўғлоним,  
Танҳо суянчиғим, юрак чўғимсан.  
Оллоҳга илтижо қилган ҳар оним,  
Эвазига топган жоним ўғлимсан.

Инжиқсан, йиғлоқсан, аммо барибир  
Оллоҳга шукрим, жажжи эрқаксан.  
Бир куни қарисам, ёнимда туриб,  
Суянмоғим учун жуда кераксан...

\* \* \*

*Қизалоғим ШАБНАМГА*

Меҳримнинг энг нафис биллур томчиси,  
Фамлар ёддан чиқар, сени эсласам.  
Номинг — юракдаги қувонч элчиси,  
Мен сени шунчалар соғиндим, Шабнам!

Сен борсан, қайғулар бизни эсламас,  
Ташвишлар абасдир сени кўрган дам.  
Борсанки, азоблар ёдимга тушмас,  
Мен сени юракдан севаман, Шабнам!

Гийбатлар оловин ўчирган ўзинг,  
Кўзларим унутди нима ўзи нам.  
Умримни ёритди шу қаро кўзинг,  
Дардли онларимдан ёдгорим, Шабнам!

Бахт сўзи номингга бўлгач эгизак,  
Хушбахтлик сурури дил учун хуштаъм.  
Борлигинг-умримда яшнаган чечак,  
Бахтимга кўп яша, азизам Шабнам!...

## ЯНА СЕНИ ҚҰМСАЙВЕРИБ

Яна сени қўмсайвериб,  
Телба бўлиб қолди дил.  
Не бўлишин ўйлайвериб,  
Ғамга тўлди-ку кўнгил.

Бахт излаган бахтсизлармиз,  
Энди эмасмиз ҳамроҳ.  
Севгисига аҳдсизлармиз,  
Пушаймон сўнгги паноҳ.

Соғинч дилни қилса вайрон,  
Чидайман-у, бормайман.  
Ўн йил дилда буюк армон,  
Сенга дардим ёрмайман.

Майли эзсин кўҳна ҳаёт,  
Елкамга ортиб ташвиш.  
Топганим ғам бўлдими-ё?  
Интилганим ёзмас, қиш.

Сен меники эмас эдинг,  
Яна бердим бировга.  
Юрагимни музга тутдим,  
Сўнг бердим қайғу-ёвга.

Қайда бўлсанг, саломат бўл,  
Оллоҳда ихтиёринг.  
Майли, майли, мендан кул,  
Сенга етмади зорим...

\* \* \*

Билмам, нима кутар олдинда,  
Чорлар мени қандай манзиллар.  
Қувонч кутар балки ойдинда,  
Балки қайғу... Юрак шувиллар.

Қалбада бўлса бир ёруғлик бор,  
Вужуд титрар ҳаяжонлардан.  
Эҳтимолким, бўлиб бахтиёр,  
Кутуларман бу армонлардан.

Фамлар ташлаб кетар эҳтимол,  
Телба бўлиб қолган кўнгилни.  
Не бўлса-да дилда умид бор,  
Ёритади мен чиққан йўлни.

Ҳаётимда энг нузли кунлар,  
Кутмоқдадир мени эҳтимол.  
Эртак бўлар аламли тунлар,  
Асосийси: ёнимда сен бор!

Борлигиндан шодман ниҳоят,  
Борлигиндан ҳаётим ёруғ.  
Номинг тилда энг гўзал оят,  
Айтсам, дилим қайғудан фориг...

\* \* \*

Пушаймон — дилингни ёндирган олов,  
Қайғу гирдобида хаёллар гирён.  
Энди бу туйғулар юрагингга ёв,  
Дунёдан топганинг — туганмас армон.

Фамгин ўйларинг-да ўзингга сийлов,  
Дардларинг — тақдирнинг дилга совғаси.

Қоғозга айтасан дардларинг йиғлаб,  
Нечундир, чиқмайди умиднинг саси.

Эртага не бўлар? Билади Оллоҳ,  
Дилингниғижимлаб еса саволлар.  
Тириклик — елкангта осилган бир тоғ,  
Руҳингни эзади турфа хаёллар.

Пушаймон олови қучоқларида,  
Сим-сим эрийверар абгор вужудинг.  
Ўтмишнинг ҳеч ўчмас ўчоқларида,  
Келажак-да ёнди... Минг афсус, дединг...

## ЁМҒИР ЁҒАР

Ёмғир ёғар куй чалиб мискин,  
Ўша олов ҳислар устига.  
Ёмғир ёғар жилмайиб сокин,  
Юракдаги излар устига.

Ёмғир ёғар, тутаман қўлим,  
Бармоқларим силар томчилар.  
Ундан қандай узаман дилим,  
Ўйларимни гумон қамчилар.

Ёмғир ёғар хазон баргларга,  
Яна дилни ўпади ҳижрон.  
Вужудимни бериб дардларга,  
Хаёлларнинг йиғлаши ёмон.

Ёмғир ёғар, улғаяр ғамлар,  
Айрилиққа кўндириб дилни.  
Ёдга тушса ҳеч қайтмас дамлар,  
Ёмғир ювар яна кўнгилни...

## ҚИШ МАНЗАРАСИ

Қор ёғади, хўрсинар шамол,  
Қор парчалар рақсга тушади.  
Унутгансан мени эҳтимол,  
Хаёлқушлар сенга учади.

Кошки шу пайт ёнимда туриб,  
Қишдан қордай эртақ тингласанг.  
Афсус, ёшлик ўтди югуриб,  
Соғинганим, кошки, англасанг.

Вужудингга қор каби ёғса,  
Абгор дилим муз парчалари.  
Кейин мен-ла мангуга қолсанг,  
Расминг кўрса кўз чашмаларим.

Қорнинг маъюс изҳорларини  
Икков тинглаб, жимгина кетсак.  
Кутиб кўнгил баҳорларини,  
Орзуюртга баравар етсак...

## ЎТДИ ЁШЛИК

Ўтди ёшлик... Улғайдим олов ҳислар?  
Биз гуноҳкор икки қутб... талпинамиз.  
Юракда-чи, олис ишқдан нурли ҳислар,  
Учрашганда унут бўлар бор гинамиз.

Алам, алам дейди тақдир, энди нетай?  
Омонат бу учрашувлар ўртар дилни.  
Саробмикан ё борлигинг, қандай етай,  
Ўзинг майли бўғиб ўлдир бу кўнгилни.

Ҳаммасидан ҳамон устун сенинг ёдинг,  
Бу иқрорни қандай қилиб айлай изҳор?  
Фақат ишон, тушун, шудир қалб фарёди,  
Сенинг билан мўралайди унга баҳор.

Сен ўшасан... Ҳамон мағрур нигоҳларинг,  
Қани сени юрагимга қамаб қўйсам.  
Юрагингдан ўзим топиб паноҳларим,  
Кошки, кўнглинг синиқларин ямаб қўйсам...

### СОҒИНСАМ...

Оймомо титрайди кўнглимдай,  
Аламлар киради қўйнимга,  
Нимага бунчалар суйдим-а,  
Соғинсам мен сизни, азизим?

Дийдордан сўрайман мададни,  
О дунё, меҳринг кўп қаҳатми?  
Шеърларим севгимга тилхатми,  
Соғинсам мен сизни, азизим?

Мен дилни асрадим сиз учун,  
Қалбимга айланса кенг очун,  
Чегара билмайди тун-кун,  
Соғинсам мен сизни, азизим!

Нимага эзилди бу ҳижрон?  
Қайғудай чўзилди бу ҳижрон,  
Юракка ёзилди бу ҳижрон,  
Соғинсам мен сизни, азизим! .



\* \* \*

Юрагимга кириб сўроқсиз,  
Энди аста чиқмоқчимисан?  
Сен бўлмасанг ҳаётим нурсиз,  
Сенчи, ғам-ла ўлдирмоқчисан.

Сен шунчаки ҳайкалмисан ё,  
Юрагингда дардин йўқми, айт?!  
Ортга қараб қайтармисан ё?  
Сенга қараб югурганим пайт.

Ёмғир ёғар шивалаб сокин,  
Дард куйини тинглайман маъюс.  
Кўтаролмай бу тақдир юкин,  
Кафтларингга, кошки, боссам юз.

Эшит дилим дарвозаларин,  
Ҳеч очмайман чиқолмайсан бил  
Тинглаганча қалб нолаларин,  
Юрагимда жимгина ўтир.

Ўзим сени топганда зўрға,  
Аро йўлда қолдирасанми?  
Мени бериб яна тақдирга,  
Ҳаётимни ёндирасанми?

Агар кетсанг... Шунча сўздан сўнг,  
Кўникарман... Кетолсам яшаб.  
Мени ўлдир... Туйғуларга кўм,  
Кейин, майли... Кетавер ташлаб...

## СЕНГА

Туш кўрдимми...  
Ва ёки ўнгми?  
Келдинг-кетдинг илк муҳаббатим.  
Бу тақдирдан  
Қочмоқдан сўнгми,  
Ҳижронларда қолди тоқатим.  
Келдинг-кетдинг,  
Хотир юртидан  
Гуё келди йигирма ёшим.  
Эслаб кетдим...  
Яна ортингдан  
Йиғлаб қолса сабр- бардошим.  
Биз ёшликка  
Қайтганда шодон,  
Дялни армон ғашлаб кетдими?  
Бир сония  
Ва ёки бир он  
Ғамлар бизни ташлаб кетдими?  
Наҳот, кетдинг...  
Ёниб қолди дил,  
Нигоҳларим эргашди хомуш.  
Бизни яна айирдимми йўл?  
Ё кўрдимми, шунчаки бир туш?..

\* \* \*

Раҳмсиз шаҳарда, оҳ, сендан ўзга,  
Азизим, ўзинг айт, кимим бор менинг?  
Келмасанг, бу ғамлар тиф санчар кўзга,  
Дилимда ҳеч тўлмас камим бор менинг.

Сен олис бўлганда, қувончлар йироқ,  
Кўнглимнинг хоҳишин билмайсан, наҳот?  
Нетайким, ҳар лаҳза кўргим келади,  
Ёнингда соядек юргим келади.

Афсус, ҳаёт измин ўзгартиролмай,  
Ёнаман, куяман, кутамаман фақат.  
Бу меҳр тошини улоқтиролмай,  
Кўзларинг тубига чўкаман, албат.

Кутамаман, кутамаман, бошқа йўлим йўқ,  
Бу катта шаҳарда танҳоман ўзим.  
Кўнглим сенда қолган, бошқа кўнглим йўқ,  
Кўзларингда қолиб кетмишдир кўзим.

### МЕНИ СЕВМАДИНГИЗ

Мени севмадингиз.  
Ҳар куну ҳар тун  
Орзуга минг турли эртақлар айтдим.  
Мени севмадингиз,  
Ҳаётим-туғун,  
Қисмат йўлларида зор йиғлаб қайтдим.  
Яна ўзим танҳо,  
Ёзуғим шуми?  
Кўнгил қудуғида қолди фарёдим.  
Дунёимда — хато  
Дардларим гунгми?  
Наҳот, эшитмайсиз дилдаги додим.  
Дийдор —  
Кўзингизда қамалган сурат,  
Мени севмадингиз — фожеам шудир.  
Талпинганим — ёлғон,  
Совуқ муҳаббат,  
Келгин, шамолинг-ла оловим сўндир!  
Аммо. келмадингиз,  
Оҳ, шунча кутдим,  
Интизорлик ранги қолди сочимда.  
Мени севмадингиз,  
Аламтош ютдим,  
Сизнинг савдоингиз бало бошимда.

## МАЪЮС ЖИЛМАЯДИ БАРГИ ХАЗОНЛАР

Маъюс жилмаяди барги хазонлар,  
Босиб ўтолмайман бу табассумни.  
Қалбнинг боғларида кезар тўфонлар,  
Бу ғариб туйғу-чун айблайин кимни?

Кимни сабабчи деб атайин энди?  
Сен берган дунёда малика бўлсам.  
Ўкинч маломати ниҳоят тинди,  
Кошки ишқ шаҳрида мангу яшасам.

Кошкийди, бир мовий қасрларда биз,  
Барги хазонлардан гилам тўшасак.  
Бахт — заъфар либосда пешвоз чиққан куз,  
Кошки ёмғир қучиб унга ўхшасак.

Афсус. Бари хаёл, бари хотира,  
Япроқлар четига ёзилган эртақ.  
Биз шунча олисмиз, бир ўзинг қара,  
Барча ёзганим-да бир орзу, эрмак...

\* \* \*

*«Аёлга бахт беринг, саодат беринг,  
Деманг юрибдику кулиб, жилмайиб»*

**Зулфия Мўминова**

Телбадай кезаман кўчаларда жим,  
Кўнглим-у, қўлимда юқларим бисёр.  
Фақат ўкинмоққа етади кучим,  
Таскиним: яккага Оллоҳгина ёр.

Умрим ғамларини дийдамга жойлаб,  
Ўтган кунларимга айтсам-да шукур.

Нетайким, гоҳида кетаман чарчаб,  
Тинкамни қуритар бу югур-югур.

Ҳаётнинг бу янглиғ ўйинларидан  
Толаман, кимдандир соғиниб юпанч.  
Хаёлнинг раҳмсиз қуюнларида  
Айланиб топмайман бир нуқта, таянч.

Билмам, бу кунларим топарми яқун,  
Қачон битта тиргак беради Оллоҳ?  
Қачон юраккинам титрамас юпун,  
Унга хотиржамлик бўларми паноҳ...

### КЎЗЛАРИНГ ТУБИДА

Кўзларинг тубида жоду яширин.  
Кўнгулнинг пойига тиз чўқар оҳлар.  
Гуноҳ-ла туғилса ҳар қайси сирим,  
Кўзларинг тубида... яширин чоҳлар.

Фақат тикиламан, кўзларинг қаро,  
Ўкинч гижимлайди юракни тақрор.  
Яна нигоҳларинг киради аро,  
Шунда унутмоққа илтижом бекор.

Мен сени ҳеч кимга келмайди бергим,  
Кўзларинг кўзимга тикилган маҳал.  
Фақат хиёнатни келади тергим,  
Дилимга муҳаббат экилган маҳал.

Алам чайқалади нигоҳларимда,  
Чехрангга қарайман... Кўзларингда жар.  
Сен борсан савобу гуноҳларимда,  
Бир кун кўзларингга қулсам агар...

\* \* \*

Ҳеч нарса юракни титратмас,  
Орзуми, армонми, барибир.  
Чунки бу сен эмас, сен эмас,  
Сен — дилда кўмилган ўша сир.

Соғиниб, соғиниб кетаман,  
Сен бирла ўтказган кунларни.  
Кейинчи ғамларни ютаман,  
Бағримга босаман тунларни.

Бу тунлар бир узоқ, бир узун,  
Нетайким, бағримга сиғмайди.  
Ҳаётда барибир йўқ мазмун,  
Ташвишлар кўнгилни тирнайди.

Ҳеч кимса ўхшамас ўзинга,  
Мен сени соғиндим, соғиндим.  
Иқрорни қамайман бўғзимга,  
Мен бугун сени деб ўқиндим...

Нимага алдадинг мени ҳам?  
Ишондим бир ёлғон эртакка.  
Энди-чи, лабларда шўртанг таъм  
Ҳам қайғу осилган юракка...

\* \* \*

Ёшлиқ ўтиб кетди... Худди туш мисол,  
Бу йиғлоқ иқрордан вужудда санчиқ.  
Бахтдану севгидан етимми кўнгил,  
Десам, хотиралар жилмаяр аччиқ.

Кеча йигирманинг ҳаяжонлари,  
Бугун ўттизимда тин олади жим.  
Дилда-чи, ўтмишнинг бор армонлари,  
“Эсиз” деганимда учади ҳушим.

Сокин дарёдаги сокин оқимдек,  
Умрим кунларида яшайвераман.  
Қирқнинг вазминлиги дилга яқиндек,  
Туюлса... Барибир, ғамни кўраман.

Кўраман... Соғинчга сингади дилим,  
Оппоқ орзуларим ҳалиям узоқ...  
Ҳаёт зарбларидан минг ямоқ кўнглим,  
Барибир кирланмас... у ҳалиям оқ...  
Ёшлик ўтиб кетди...

*...Сен очуннинг сўнги Лайлиси...*  
**Икром Отамурод**

Эҳтимол шундайдир. Қайсни тополмай,  
Ҳажр даштларида зор тентиганим.  
Кўнгил ярасига таскин ёполмай,  
Билмадим, не бўлди менинг топганим?

Хотирлар, имконлар, ғариб орзулар —  
Қалбим қатларига қуйилган армон.  
Бари-барисидан айродир йўллар,  
Тунлар хаёлларнинг ёнида зорман.

Дил. Афгор туйғулар, бўзлайди соғинч,  
Сокин хиёбонлар ҳажрини туйиб.  
Кўнгил саҳросида қайғулар нотинч,  
Нигоҳим суратинг ўпади суйиб.

Олисликнинг олис имконларида  
Қайсини излаган Лайлилимим рост.  
Билмам, топарманми армонларимдан,  
Десам саволимдан жилмаяди ёз...

## ОҚШОМ ХАЁЛИ

Дилни қон қилгувчи оқшомлар чўқар,  
Умр осмонининг уфқи қонталаш.  
Соғинч этақларин хотира ўпар,  
Болалигу, ёшлик сеплари талош.

Ғамгин ўтмишимнинг олис қаърида,  
Номингиз дилимни ёритган шуъла.  
Кошкийди, кўрсайдим сизни бир, дада,  
Кувонч кучоғига кетардим қулаб.

Ўкинч пармалайди юрагимни кўп,  
Нечун энди йўқсиз, тақдир ҳақми ё?  
Нечун кўролмадим сўнги нафасда,  
Менга сўнги дийдор бермади Оллоҳ.

Сизнинг насиҳату сўзларингизни -  
Соғинган кўнглимнинг дардлари ғариб.  
Дадажон, меҳрли кўзларингизни,  
Йиғларман, беҳуда сизни ахтариб...

\* \* \*

Кетгим келар,  
Ўзим билмаган,  
Қадамларинг етмас маконга.  
Кейин қолиб руҳим-ла якка,  
Борим тўксам ўзим-ёмонга —  
Қалбга чўккан оғриқларимни,  
Номлари йўқ хатоларимни.  
Ўзим топган ғамларга қўшиб,  
Тўксам йиғлаб. Кўнгил хўп қонса,  
Пушаймоннинг кўз ёшларига.



Азоб берсам ўзимни-ўзим,  
Ҳеч ким билмас дарду-қайғумни,  
Руҳим қатларидан суғуриб,  
Отсам ўтмишимнинг пойига.  
Кошки...

## ҚАНИСАН

Қанисан?

Чалмайди дилим кўнғироқ,  
Адашган хаёллар тополмас сени.  
Хиёнат ўртага солди-ю фироқ,  
Охири шубҳалар еб қўйди мени.

Излайман.

«Қанисан?» - изиллар соғинч,  
Бахтимга чанг солган Алдовнинг қўли.  
Кўз ёшдан май берай, сокин туриб ич!  
Ноилож ўзгарса Қисматим йўли.

Йиғлайман.

Менга ҳеч керакмас раҳминг,  
Бошқалар-чун уни асраб олиб қўй!  
Меҳрни кўп излаб шундай алдандим,  
Тушларим таъбирин шамолларга йўй!

«Қанисан?»

Музлайди лабда чорловим,  
Адашган хаёл-ла қолдириб танҳо.  
Таскинни кўтармай қолади тобим,  
Қайтмоғинг. душвордир, азизим, аммо.  
«Қанисан?» ...

## ЁЛҒИЗЛИК

Хоҳлайсан, кимгадир суянсанг сен ҳам,  
Ҳаёт зарбларидан толиқса дилинг.  
Аммо орзуларинг барчаси мубҳам,  
Ўзига қайғудош топмайди кўнглинг.

Сиқилиб кетасан. Кунларинг — қафас,  
Ёруғлик истайди яширин ҳислар.  
Илинжларинг олар охирги нафас,  
Ўзинг англамайсан, дил нима истар.

Шу тахлит ўтади ҳар битта кунинг,  
Умринг боғларига мўралайди куз.  
Тавба,бу азобнинг борми якуни? —  
Десанг юрагингга жойланади муз.

Хоҳлайсан, кимнингдир кўмагин яна,  
Аммо бу умидни бўғиб қўясан.  
Қийналиб кетасан бахт кунин санаб,  
Кейин. Ёлғизликни яна суясан...

## НАЖОТ ҚИДИРАМАН

Нажот қидираман, бирор нажот йўқ,  
Уммон қўйнидаги хасдай ночорман.  
Наҳотки, мен учун энди ҳаёт йўқ,  
Ҳеч кимга кераксиз, тиканман, хорман.

Умидлар — алдамчи, эртам — алдамчи,  
Наҳот, бу йўлларда тиргак топмасман?  
Энди кўзларимга тупроқ ёпсам-чи,  
Тақдирим истаган эртак топмасман.

Икки шамни ёқиб умрим йўлида,  
Ортига боқмасдан ботган қуёшман.  
Нимаики топдим — армон қўйнида.  
Вужуди тутаган оташ бардошман...

## КЕТАЁТИБ

Нималарни йўқотдим, топдим,  
Топганларим йўқотганга тенг.  
Аро йўлда энтикиб чопдим,  
Хаёлимнинг кўчалари кенг.

Кунлар ўтди, ўтаверди жим,  
Хаёлларга суяндим беҳол.  
Йилларда бор барибир ўчим,  
Шаҳар, майли ўкинчларим, ол!

Сирларимни сўзлаган маҳал,  
Титроқ қалам... Қоғозим бедор.  
Шеър, ўзинга бўлганда маҳтал,  
Ҳар сатримда кулди минг озор.

Тунларимдан тиласам Таскин,  
Юлдузларда совуқ жилмайиш.  
Кетдим, шаҳар... Ўкинсанг, ўкин,  
Соғинчимнинг ранглари таниш.

\* \* \*

Энди сени чорламайман, кутмайман,  
Шундоқ ҳамки, юрагимда армон кўп.  
Ўлгунимча номингни унутмайман,  
Юрагимни ўлдиради талотўп.

Энди сени қалбдан сиқиб чиқардим,  
Ўрнингдачи сен ўтирган из қолди.  
О, бир пайтлар изларингни ўпардим,  
Хаёлингда сени кутган қиз қолди...

Менинг эса юрагимда муз қолди...

## ЙИГИРМА ЙИЛДАН СЎНГ.

Мени севар экансан ҳануз,  
Иқроринг — қуш, учди тилингдан.  
Кувон кўнглим, ҳали олис куз,  
Бу сўз бизни асрар ўлимдан.

Мени севар экансан ҳануз,  
Бу туйғудан умрим ёришди.  
Эрта кунга умид очди юз,  
Дунё эса... Бахтга қоришди.

Мени севар экансан ҳануз,  
Кафтларимда титрар юрагинг.  
О, ўшанда... Сезмабман афсус,  
Кечир, дея келар сўрагим.

Мени севар экансан ҳануз,  
Айтгил, бундан ёқимли не бор.  
«Севаман» - бу бахтга эгиз сўз.  
Бахтдан-чи, дил мангу умидвор...

\* \* \*

Шунча ташвиш, шунча ғам билан,  
Киприklarим қучган нам билан,  
Умидларни берган дам билан,  
Соғинаман сени, азизим!

Чунки ҳаёт этади давом,  
Мангу бўлиб қолмайди армон,  
Бир кун яхши бўлади ёмон.  
Соғинаман сени, азизим!

Кўкламдаги майса - муҳаббат,  
Дуркун бўлиб ўсгуси албат,  
Бахт кўйлагин кийганда тоқат,  
Соғинаман сени, азизим!

Сенга жуда қийин уни унутмоқ...  
**Жаҳонгир Исмоилов**

... Ростдан жуда қийин, уни унутмоқ,  
Алданган ишончнинг овози дардчил.  
Ахир телбалик-ку, қайтишин кутмоқ,  
Кўнгил йўлларида синган-ку чил-чил.  
Тасаввур қўлида қолган бир умр,  
Илинж рангларида чизилган суврат.  
Наҳот етолмайсан... Иқроринг — оғрир,  
У шунчалар расо — мулки муҳаббат.  
Беҳуда интилма... Бераҳм тақдир,  
Шунчаки алдаган умидларингни.  
Нетасан, бир ғариб бандасан ахир,  
Пешонангга битса ғамюртларини  
Ростдан жуда қийин барин унутмоқ,  
Дилингни мажбурлаб шунга кўникмоқ...

\* \* \*

Дилим — азобларга лиқ тўлган коса,  
Кўй, унга тегинма, тўкилса ёмон.  
Дардларнинг йўллари ёруғдир роса,  
Унга чироқ бўлса — танишим армон.

Ҳасратинг — умримга қўйилган тузоқ,  
Кўзларим — аламнинг чуққан денгизи.  
Таскинга итарма, у ҳали узоқ,  
Ахир мен — Сабрнинг тош қотган қизи.

Қисматим ўйнама. Ёлғон орзуни,  
Ҳар куни минг бора қарғаб чарчадим.  
Мунглар йўргакланган митти туйғуни,  
Бешигинг йўқ, дея алдаб чарчадим.

Алдама. Алдовинг дилимни тортса,  
Азобим тошса гар чидамоқ душвор.  
Дилим — дардгинангга лиқ тўла коса,  
Тўкилса, таскининг беҳуда, бекор!..

## МУНДАРИЖА

Сўзбоши. Ранглар ва оҳанглар.....	3
Шеър ўқиб берай.....	4
Манзара.....	4
Дардларим — кўзимга чўккан кемалар.....	5
Яна сени соғиндим.....	6
Изтироблар оловида.....	6
Яна куз.....	7
Лаби Ҳовузда.....	8
Дадамни соғиниб.....	9
Онамга.....	10
Баҳор наволари.....	10
Сизни банди айлагим келар.....	11
Бухорони тарк этди шоир.....	12
Кўнгил қолди сиздан.....	13
Юракни тилкалар.....	13
Йиғлайман, ўкинчлар дилни чулғайди.....	14
Истаган эдимми.....	14
Бахтнинг этаклари қўлимда қолди.....	15
Олис йўллар мендан бахтиёр.....	16
Борлиқни ютганда аянч сукунат.....	16
Хазон босган йўлаклар.....	17
Шеърятга.....	18
Совуқ эди қишнинг бу тунни.....	18
Оддий аёлман.....	19
Тушунмайсан.....	20
Сўлаётган гул.....	20
Умрим нима ўзи.....	21
Қор ёққанда.....	22
Шунчалар тошмиди юрагинг.....	22
Ҳаётим жумбоқми.....	23
Наҳотки кечикдик.....	24
Бухоро соғинчи.....	24
Сиздан кетдим.....	25
Энди қайтмайман.....	26

Фарзандларим — умрим қувончи	
Ўғлим Жўрабекка.....	27
Қизалоғим Шабнамга.....	27
Яна сени қўмсайвериб.....	28
Билмам, нима кутар олдинда.....	29
Пушаймон.....	29
Ёмғир ёғар.....	30
Қиш манзараси.....	31
Ўтди ёшлик.....	31
Соғинсам.....	32
Юрагимга кириб сўроқсиз.....	33
Сенга.....	34
Раҳмсиз шаҳарда.....	34
Мени севмадингиз.....	35
Маъюс жилмаяди барги хазонлар.....	36
Телбадай кезаман кўчаларда жим.....	36
Кўзларинг тубида.....	37
Ҳеч нарса юракни титратмас.....	38
Ёшлик ўтиб кетди.....	38
Эҳтимол шундайдир.....	39
Оқшом хаёли.....	40
Кетгим келар.....	40
Қанисан.....	41
Ёлғизлик.....	42
Нажот қидираман.....	42
Кетаётиб.....	43
Энди сени чорламайман, кутмайман.....	43
Йигирма йилдан сўнг.....	44
Шунча ташвиш, шунча ғам билан.....	44
Ростдан жуда қийин, уни унутмоқ.....	45
Дилим — азобларга лиқ тўлган коса.....	45

Моҳигул Ўктам қизи

# *Қалбим шабнами*

*Шеърлар*

Муҳаррирлар: *Шукур Қурбон, Зикрилла Неъмат*  
Бадий муҳаррир: *Ҳамидулла Худойбердиев*  
Техник муҳаррир: *Татьяна Смирнова*  
Мусаввир: *Темур Саъдулла*  
Саҳифаловчи: *Абдухалил Турсунов*

Босишга 15. 07. 2008 йилда рухсат этилди.  
Бичими 84x108 1/32.  
Ҳажми 2,75 б. т. Нусхаси 500  
Буюртма № 82

Алишер Навоий номидаги  
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти.

Алишер Навоий номидаги  
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси босмахонаси.  
Тошкент, Истиқлол кўчаси, 33.